



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (13.419)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада экологик хавфсизлиكنи таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қўнунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация

қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қўнунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорлиكنи таъминлаш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни қўлай-тириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари негизда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ташкил этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси ва раис ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот берадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



“Ташаббус – 2017”

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан йилга ортмоқда. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ Фармон ва қарорларида куриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Соҳага берилган эътибор туфайли биринчидан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури, иккинчидан экспорт ҳажми ортиб бормоқда.

Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус” кўрик-танлови юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари эришаётган илғор натижаларни тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида ишбилармонлик фаолиятига бўлган қизиқишни кучайтириш, тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилиб келмоқда.

Айни кунларда пойтахтимизда “Ташаббус – 2017” кўрик-танловининг қўйи босқичлари бўлиб ўтмоқда. Режага кўра, дастлаб Бектемир, Яшнобод, Миробод туманлари тадбиркорлари, ҳунармандлари ўзларининг маҳсулотлари кўргазмаси билан “Ташаббус” танловини бошлаб беришди.

Кўрик-танловга ташриф буюрад экансиз, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари томонидан намойишга қўйилган маҳсулотларни кўриб дилнингиз яйрайди. Бу ерда ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий матоддан тикланган либослар, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги озиқ-овқат, текстил, қурилиш, чарм-пойабзал, кийим-кечак маҳсулотлари ўрин олган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси, “Тадбиркор аёл” уюмиси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида ташкил этилган тадбирда “Йилнинг энг яхши тадбиркори” ва “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” каби асосий, шунингдек, “Энг яхши оилавий бизнес”, “Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” ва “Энг яхши инновацион лойиҳа” махсус номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

– Ушбу “Ташаббус – 2017” кўрик-танловида учта тумандан ташриф буюрган тадбиркорлар ва ҳунармандлар иштирок этапти, – дейди Савдо-саноат палатаси Миробод тумани ахборот-маслаҳат маркази мутахассиси Зиёвуддин Эшчонов. – Бу ерда тайёр маҳсулотни ички ҳамда ташқи бозорга чиқараётган корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этапти. Уларнинг фаолиятлари нуфузли хайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, ғолиб бўлганлар танловнинг шаҳар босқичига йўл олади.

Биз тадбир иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

– Кичик корхонамиз Ўзбекистон бозорида 7 йилдан бери фаолият олиб боради, – дейди “KLASSIK MODA LYUKS” МЧЖ раҳбари Гулчеҳра Маматова. – Дастлаб биз ишни кичкина тикув машиналарида бошлаганмиз, 20 нафар ишчимиз бор. Яқинда янги ускуналар сотиб олдик. Ҳозир Намангандаги тикув фабрикалари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Асосан банк, корхона-ташкilotлар, таълим муассасалари ўқувчиларига формалар, костюм-шимларни буюртма асосида тикиб берамиз. Юртимизда тадбиркорлик қиламан, деган инсонга барча шароитлар яратиб берилган, шу имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни ривожлантириб бормоқдамиз.

– Иш фаолиятимизни 2015 йилдан бошлаганмиз, – дейди Яшнобод туманида жойлашган “HILO SHAMS SERVIS” кичик корхонаси раҳбари Дониёр Каримов, – асосан таълик безакка ишлатиладиган ёпиш маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. 7 кишини иш билан таъминлаганмиз.

Ғолиблар “Ташаббус” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини берадиган сертификат ва дипломларни қўлга киритишди.

“Ташаббус” кўрик-танлови пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам давом этмоқда.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2017–2021 йилларда ичимлик суви ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг бир қанча расида каттагина ишлар амалга оширилди. Ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича гоят муҳим дастурлар ва лойиҳаларни ижро этиш билан рўйбга чиқариш шаҳар ва туманларда, шу жумладан, қишлоқ жойларда суви таъминоти ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

Кейинги олти йилнинг ўзидагина 13 минг километрга яқин суви қувурлари ва водопровод тармоқлари, 1,6 мингтадан кўпроқ суви чиқариш қудуқлари, шунингдек, 1,4 мингта суви босимини ҳосил қиладиган минора ва резервуарлар барпо этилди ҳамда реконструкция қилинди. Натижада, жумладан, ҳалқаро молия ташкилотларининг грантлари ва кредитларини жалб этиш ҳисобига ичимлик суви билан таъминланмаган қўпгина аҳоли пунктлари сифати ва хавфсизлиги бўйича замонавий талабларга мос келадиган суви билан таъминланди.

Шу билан бирга, айрим минтақаларни, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бу

хоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг бир қанча ечимланган муаммолари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, янги турар жой массивлари барпо этилиши, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тобора кенгайиши энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни фаол жорий этиш асосида суви олиш иншоотларини, суви қувурлари, насос станциялари, тақсимлаш узеллари ва водопровод тармоқларини модернизациялаш ва илдам ривожлантиришга йўналтирилган қафолатланган суви таъминоти тизимини тубдан яхшилаш бўйича амалий чоралар кўрилишини тақозо этмоқда.

Аҳолининг кенг қатламлари яшаши учун, айниқса, қишлоқ жойларда, шинам ва қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчилар учун ҳамма жойда сифатли ичимлик суви етказиб берилишига эришиш, республикада суви таъминоти ва каналлизация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

(Давоми 2, 3-бетларда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2017–2021 йилларда МАИШЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, муносиб яшаш шароитларини яратиш, республикада санитария ва экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузуридаги “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхоналарининг самарали фаолиятини ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузуридаги “Тоza ҳудуд” давлат унитар

тар корхоналарининг намунавий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузуридаги “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхоналарининг туман (шаҳар) филиалларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўплалини, уларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш ишларининг комплекс схемаси 3-иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш тизимини такомиллаштиришга доир тадбирлар 4-иловага мувофиқ;

“Тоza ҳудуд” давлат унитар корхоналарига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг бепул топширилаётган мулк рўйхати 5-иловага мувофиқ;

(Давоми 2, 3-бетларда)

ташкил этилди.

● Навоийда ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда 250 ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

● Фарғона давлат университетида профилактика инспекторлари малакасини ошириш бўйича ўқув йиғини бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган 130 профилактика инспектори билим ва маҳоратини оширди.


● Наманган шаҳрида фойдаланишга топширилган Тасвирий санъат асарлари кўргазмалар саройи зали ўз фаолиятини вилоят

ижодкорларининг “Ўзбекистон – озод ва бектор дийр” номли бадиий асарлар кўргазмаси билан бошлади.



● Ҳиндистонда йўловчи автобусининг 70 метр чуқурликдаги жарга қулаб тушиши натижасида 43 киши ҳаётдан кўз юмди. Факат охириги сонияларда автобусдан сакраб тушиб қолган икки йўловчи бахтли тасодиф туфайли омон қолди. Ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

● Перуда денге безаги тез тарқалиб бормоқда. Ҳозирда ушбу хавфли касалликнинг олдини олишга мамлакат армияси ҳам жалб этилган бўлиб, бутун Перу бўйлаб мобил клиникаларнинг фаолияти йўлга қўйилди.



● Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида “Махалла” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ҳамкорлигида фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги ота-оналар университети фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган кўргазмали семинар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий харақтерга эга бўлган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунитидан қатъий назар, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ҳўқуқбузарликлар учун, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасидаги қўнунчиликни бузганлик учун айбдор шахсларни ўрнатилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳўқуқига эгадир.

6. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати таркибида Чиқиндиларнинг ҳўсил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташлиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Қўрақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида Инспекциянинг ҳўудий бўлиналари;

Қўрақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳўзурида "Тоза ҳўуд" давлат унитар қўрхоналари ва шаҳарларда ҳамда республика туманларида туман ҳўкимликлари ҳўзуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар қўрсатиш ўқасткалари неғизда уларнинг филиаллари ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дўнёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилна фойда-

ланиш республика инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳўзуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳўудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта ташкил этилсин, унинг ҳўудий инспекциялари тузилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида табиати муҳофаза қилиш республика ва ҳўудий жамғармалари неғизда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасини ташкил этиш, унинг маблагларини, биринчи навбатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг мониторингини соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, тарғибот ва таълим ишларини ташкил этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, Давлат қўмитаси зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан алоқадор бошқа мақсадларга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ҳафта мўддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "2017 – 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тўбдан тақомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари лойиҳасини киритсин, Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тақомиллаштириш ва мувофиқлаштириш Республика комиссияси тузилишини назарда тўтсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасига Ўзбеки-

стон Республикасининг қўйидаги қўнун лойиҳаларини икки ҳафта мўддатда киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расисини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80 ва 93-моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида";

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қўнунчиликни бузганлик учун жарима санкциялари миқдорларини оширишни назарда тўтиб, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қўчатиришни қўзда тўтувчи "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида";

кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишининг белгиланган тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини қўчатириш тўғрисида "Ўзбекистон Республикасининг Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қўнунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида".

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда қўнун ҳўжатларига ўшб Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 21 апрельЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 21 АПРЕЛДА ИМЗОЛАНГАН “ЭКОЛОГИЯ
ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-5024-СОНЛИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик ҳавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳўқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилна фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан зиёд қўнун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги қўриқланадиган ҳўудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-таомиллари ва бошқа ма-салаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳўқуқий ҳўжат қабул қилинди ва амал қилмоқда.

Қабул қилинган ҳўжатлар атроф-муҳит объектларининг иф-лосланиш даражасини маълум даражада қамайтириш, қўриқланадиган табиий ҳўудлар тизимини ривожлантириш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ва назорати бўйича ўқказилган таҳлил бир қатор камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатди, ҳўусан: чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жисмоний ва юридик шахслар, махсус ваколатли давлат органлари, ташкилот ва қўрхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи ағона давлат органининг мавжуд эмаслиги;

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасига бўйсунит тартибининг ҳўқуқий асослари йўқлиги тўғрйли атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида идораларо тўғлоқчи ҳам-қорлик қилиш ва бу борадаги вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал этиш имкони йўқлиги;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилна фойда-ланиш соҳасидаги экологик, санитария меъёр ва талабларини бузганлик учун қўнунчиликда назарда тўтилган маъмурий жазо чораларининг етарли эмаслиги ва самараси пастлиги;

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ваколатлари фақат ишлаб чиқариш чи-қиндиларини назорат қилиш билан чекланган эди. Қўмитанинг

амалдаги ташкилий тузилиши ва штатлар бирлиги унга юқлатил-ган вазифаларни сифатли ва тўлиқ ҳўжда амалга ошириш имко-нини бермаётти.

Шу муносабат билан, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, та-биий ресурслардан оқилна фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, бу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорат тизимини тақомил-лаштириш мақсадида, шунингдек, "2017-2021 йилларда Ўзбеки-стон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўнали-ши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дасту-рида қўзда тўтилган бошқа вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбеки-стон Республикаси Президентининг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомил-лаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда Ўзе-бекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси-ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунуви-ча ҳисобот бериуви Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айланитириш (кейин-ги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) назарда тўтилмоқда.

Фармон билан Давлат экология қўмитасига қўйидаги вазифа-лар юқланди:

экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқил-на фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқа-рувини амалга ошириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш, ташлиш, қайта ишлаш, утилиза-ция қилиш ва қўмиш ишларининг самарали тизимини ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг экологик ҳўлати мақбул тарзда сақланишини, экология тизимлари, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлашни, экологик вазият соғломлаштирилишини таъминлаш; ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, қўриқланадиган табиий ҳўудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дўнёсини муҳофаза қилиш ва улар-дан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқинди-лар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қўнунчи-

ликка риоя қилиш борасида давлат экологик назоратини амалга ошириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсим-ликлар қўпайитириладиган ва сақланадиган питомниклар, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш;

экологик тарбия, тарғибот ва маърифий ишларни, шунингдек, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Фармонга мувофиқ қўйидаги тузилмалар ташкил этилади:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофа-за қилиш давлат қўмитаси, Қўрақалпоғистон Республикаси Эко-логия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош-қармаларининг марказий аппаратларида Чиқиндиларнинг ҳўсил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташлиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекциялари;

Қўрақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳўзурида "Тоза ҳўуд" давлат уни-тар қўрхоналари ва мамлакатимиз шаҳарларида, шунингдек, ту-ман ҳўкимликлари ҳўзуридаги ободонлаштириш бошқармалари-нинг чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат қўрсатадиган ўқаст-калари неғизда уларнинг филиаллари;

табиати муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий жамғарма-лари неғизда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чи-қиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ташкил этилади, жамғарма маблаглари биринчи навбатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига, жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларга ва биоресурсларни сақлаш ва қайта тик-лашга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўқказишга, тарғибот ва маъ-рифий ишларни ташкил этишга, экология ва атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тай-ёрлашга йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан
БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ
ТЎБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

республика шаҳарларида санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирил-ган ташкилотларни қаттиқ маиший чи-қиндиларни элаш бўйича электроме-ханика ускуналари билан қўшимча жи-ҳозлаш прогноз параметрлари 6-ило-вага мувофиқ;

2017-2018 йилларда "Тоза ҳўуд" ДУКни махсус техника ва ускуналар бил-ан қўшимча жиҳозлаш прогноз пара-метрлари 6 "а"-иловага мувофиқ;

2017 йилда Давлат бюджети маб-лаглари ҳисобидан чиқинди тўплаш шохобчаларини қўриш ва уларни кон-тейнерлар билан жиҳозлаш бўйича манзиллар дастур 7-иловага мувофиқ;

2017-2018 йилларда тозалашга ихтисос-лаштирилган ташкилотларнинг фаоли-ят қўрсатаётган полигонлари ва "Тоза ҳўуд" ДУКни жиҳозлаш бўйича ман-зилли дастур 8-иловага мувофиқ;

2018 йилда Давлат бюджети маб-лаглари ҳисобидан қаттиқ маиший чи-қиндиларнинг янги полигонларини ярат-иш бўйича манзилли дастур 9-илова-га мувофиқ;

2017-2018 йилларда қаттиқ маиший чи-қиндиларни қайта ишлаш бўйича замона-вий технологияларни жорий этиш про-гноз параметрлари 10-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларида органик ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича про-гноз параметрлари 11-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда халқаро молия ташкилотларининг маблагларини жалб қилган ҳўлда шаҳарларда маиший чи-қиндиларни йиғиш, ташлиш, утилиза-ция қилиш ва қайта ишлаш тизимла-рини ривожлантириш бўйича инвести-ция лойиҳаларининг рўйхати 12-ило-вага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳрида чиқиндиларни олиб чиқиш, чиқинди йиғиш пунктла-ри ва қаттиқ маиший чиқиндилар по-лигонларини сақлаш ва эксплуатация қилиш "Максустранс" давлат унитар қўрхонаси томонидан амалга ошири-лиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Чиқиндилар билан боғлиқ ишлар-ни амалга ошириш тизимини мувофиқ-лаштириш ва тақомиллаштириш бўйи-ча Республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 13-иловага мўффиқ ташкил қилинсин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйи-дагилар белгилансин:

чиқиндиларни йиғиш, ташлиш, ути-лизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиш ва реализация қилиш тизимини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари-ни кенг жалб этган ҳўлда ривожланти-риш, уларнинг фаолиятини рағбатлан-тириш йўли орқали чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳа-сидаги тўлиқ цикл қамраб олинишини таъминлаш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви рес-публика органлари, шунингдек, маҳал-лий давлат бошқаруви органлари миё-сида мазкур қарор билан тасдиқлана-ётган тадбирлар, манзилли дастурлар, инвестиция лойиҳалари ва прогноз па-раметрлари ўз вақтида ва сифатли ба-жарилиши бўйича ишларни мувофиқ-лаштириб, уларнинг амалга оширили-шини мониторинг қилиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тақомиллаш-тириш бўйича мазкур қарор билан тас-диқланаётган тадбирлар, манзилли дас-турлар, инвестиция лойиҳалари ва про-гноз параметрларини амалга ошириш жараёнини хар чорада қўриб чиқиш.

Республика комиссиясига, зарурат тўғилганда, мазкур қарор билан тас-диқланган тадбирлар, манзилли дас-

турлар, инвестиция лойиҳалари ва про-гноз параметрларининг йиғма ва ман-зилли параметрларига ўзгаришлар кир-итиш ҳўқуқи берилсин.

4. Республика комиссияси бир ой мўддатда:

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаш-тириш ва тақомиллаштириш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низомни;

мазкур қарорнинг 5-12-иловалари-га мувофиқ амалга оширилиши назар-да тўтилган чора-тадбирлар ва лойи-ҳаларни амалга ошириш бўйича "Йўл хариталари"ни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Эколо-гия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қўрақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликларини билан биргалик-да ўшб қарор билан тасдиқланган тад-бирлар, манзилли дастурлар, инвести-ция лойиҳалари ва прогноз параметр-лари ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминласин ва хар чо-ракда Республика комиссиясига тегиш-ли ахборотни киритиб борисин;

икки ой мўддатда "Тоза ҳўуд" ДУК уставларини тасдиқласин ва штатлари-ни малакали мутахассислар билан тўлдирсин, шунингдек, зарур моддий-техника базаси билан жиҳозланишини таъминласин;

икки ой мўддатда Ўзбекистон Рес-публикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лиги билан биргаликда "Тоза ҳўуд" ДУКнинг махсус техникалари учун ёқилган-мойлаш фонлари ва лимитла-рини ахратиш тартибини ишлаб чиқ-син ва тасдиқласин;

(Давоми 3-бетда)

2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти
ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МОДЕРНИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Кўйидагилар 2017-2021 йиллар-да ичимлик суви таъминоти ва кана-лизация тизимини янада ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг асосий ўс-тувор йўналишлари этиб белгилансин: аҳолининг, айниқса, қишлоқ жой-лардаги аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаш бўйи-ча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

сув олиш, канализация иншоотлари ҳамда водопровод тармоқларининг ян-гиларини қўриш, мавжудларини қайта тиклаш ва реконструкция қилиш, шу-нингдек, суви таъминоти ташкилотлари-нинг моддий-техника базасини мустаҳ-камлаш, уларни замонавий ускуналар, машиналар, механизмлар, таъмирлаш-фойдаланиш ва ўлчов техникаси бил-ан жиҳозлаш;

сув таъминоти соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияла-рини, шу жумладан, истеъмол қилин-ган сув ва қўрсатилган хизматлар ҳаж-мини ҳисобга олишининг автоматлаш-тирилган тизимларини жорий этиш;

ичимлик суви ишлаб чиқаришнинг технологик ва ишлаб чиқариш жараё-нлари самарадорлигини ошириш, белгиланган талабларга мувофиқ сув-нинг сифатли бўлишини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнига энергия ҳамда сувини тежайдиган технологияла-р ва ускуналарни таъбиқ этиш;

сув таъминоти ва канализация ти-зимларини, шу жумладан, давлат бил-ан ҳўусий сектор шериклиги асоси-да бошқарувининг бозор тамойиллари-га мос леладиган механизмларини жо-рий этиш;

сув таъминоти ташкилотларининг мо-лиявий-иқтисодий барқарорлигини таъ-минлаш учун зарур шарт-шароитлар

яратиш, улар томонидан қўрсатилади-ган хизматларга нарх шакллантириш тартибини тақомиллаштириш.

2. 2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизим-ларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури (кейинги ўринларда Дастур) тасдиқлан-син, у қўйидагиларни ўз ичига олади:

2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари-ни комплекс ривожлантириш ҳамда мо-дернизация қилиш дастурининг йиғма параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари-ни комплекс ривожлантириш ҳамда мо-дернизация қилиш дастурининг моля-лаштиришнинг йиғма параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда Қўрақалпоғис-тон Республикаси ва вилоятларнинг ичимлик суви таъминоти тизими объектларини қўриш ҳамда реконструк-ция қилишнинг манзилли дастурлари 3.1-3.13-иловаларга мувофиқ;

2017-2021 йилларда ҳўудлараро аҳамиятдаги ичимлик суви таъминоти ти-зини объектларини ҳамда алоҳида му-ҳим объектларни қўриш ва реконструк-ция қилишнинг манзилли дастури 4-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда халқаро молия ташкилотларининг кредитларини жалб этган ҳўлда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қўриш ҳамда реконструкция қилиш па-раметрлари 5-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг машина ва механизмлари паркинни мустаҳкам-лаш параметрлари 6-иловага мувофиқ. Белгилансинки, Ўзбекистон Респу-бликаси Уй-жой коммунал хизмат қўрса-

тиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирли-ги, Молия вазирлиги, Давархитектур-илиш қўмитаси раҳбарлари, Қўрақал-поғистон Республикаси Вазирлар Ке-нгашининг раиси ва вилоятлар ҳўким-лари тасдиқланган Дастур параметр-лари қатъий ўрнатилган мўддатларда сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавобгардир.

3. Ичимлик суви таъминоти ва кана-лизация тизимларини комплекс ривож-лантириш ҳамда модернизация қилиш дастури амалга оширилишини муво-фиқлаштириш ва мониторинг қилиш Республика комиссияси (кейинги ўрин-ларда – Республика комиссияси) 7-ило-вага мувофиқ тарихида тузилсин, қўйи-дагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбирлар Дастури амалга ошири-лишини, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши-ни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳўжатларини ҳисобга олган ҳўлда ичимлик суви таъминоти ва канализа-ция тизимини ривожлантиришнинг ҳўудий схемаларини тасдиқлаш; сув олиш иншоотларида, насос стан-циялари ва сув тақсимлаш узелларида энергия тежайдиган замонавий насос ускуналарини таъбиқ этиш бўйича та-всияномалар ишлаб чиқиш;

қўудкулар ва сув олиш иншоотлари-нинг техник ҳўлатини баҳолаш нати-жалари тўғрисида, шунингдек, ер ости сув ресурсларидан самарали фойдала-нилиши ҳақида Ўзбекистон Республи-каси Давлат геология ва минерал ре-сурслар қўмитасининг ҳисоботларини хар чорада аштитиб туриш;

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти
ва канализация тизимларини комплекс
ривожлантириш ҳамда модернизация
қилиш дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)

Дастур қандай бажарилаётганини ҳар чоракда қўриб чиқиш.

Республика комиссияси, зарур ҳолларда, тадбирлар Дастурининг йўл ва манзил параметрларига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Дастурни амалга ошириш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

5. "Ўзбеккоммуналойхажурилиш" корхонаси ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида ихтисослаштирилган бош лойиҳа институти этиб белгилансин ва унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юксатсин:

Республика ҳудудида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш, ривожлантириш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштиришда ягона сиёсат ўтказишни ҳисобга олган ҳолда, сув таъминоти ва канализация тизими объектларини лойиҳалаштириш бўйича ихтисослаштирилган бош ташкилот функцияларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан илгор ҳорижий тажрибадан самарали фойдаланган ҳолда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш соҳасида техник тартибга солиш борасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга оид ўтказиладиган ишларда қатнашиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш доирасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантиришнинг ҳудудий схемаларини тузишда иштирок этиш;

ичимлик сувининг қафолатланган манбалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш усулларини жорий этиш, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш лойиҳалашда оптимал техник ечимларни қўллаш;

объектларни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг замонавий технологияларини, жумладан, қурилишнинг илгор методлари ва қурилиш материалларининг янги турлари қўлланилишини назарда тутган ҳолда жорий этиш; лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш; етакчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини жалб этган ҳолда, халқаро стандартлар даражасидаги юқори технологияли усуллар ва ускуналар қўлланилишини назарда тутувчи ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш соҳасида техник назоратни тартибга солишнинг замонавий норматив ҳужжатларини-таътиб этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2017 йилнинг охирига қадар ҳар бир аҳоли пункти ва умуман ичимлик суви таъминоти ташкилотлари бўйича сув таъминоти тизими объектлари (қудуқлар, сув олиш иншоотлари, магистрал водопроводлар, тақсимлаш тармоқлари ва бошқа объектлар) паспортлаштирилишини, шунингдек, паспортлаштириш натижалари бўйича ичимлик суви таъминоти тизими объектларининг электрон маълумотлар базаси яратилишини таъминлашсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "2017–2021
ЙИЛЛАРДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ
ТИЗИМЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Коммунал соҳа мамлакатимиз ҳудудий инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисmini ташкил этади, унинг фаоллиги эса одамларимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитларни шакллантиради, уй-жойлар ва аҳоли пунктларининг ҳар жиҳатдан шинам ва қулай бўлишини таъминлайди.

Мазкур соҳанинг тараққиёт даражаси ва фаолият самарадорлиги аҳолининг шунга мос ҳаёт сифатини шакллантиради, турмуш даражаси ва ҳаёт тарзини акс эттиради, иқтисодий саломатияни янада юксалтириш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, сифатли хизмат – соғлом жамият гаровидир.

Муствақил йилларида Ўзбекистонда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди. Республика-мизда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантиришга оид муҳим устувор йўналишлар, дастур ва лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши шаҳар ва туманларда, жумладан, қишлоқ жой-ларда марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Фақат 2011–2016 йилларда мамлакатимизда қарийб 13 минг километрдан иборат йирик сув қуёрулари ва тармоқлари, бино ва иншоотларда 1 минг 600 дан ортиқ сув чиқариш қудуқлари, шунингдек, 1 минг 400 та сув минораси ва резервуари қурилди ҳамда реконструкция қилинди.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия институтларининг грант ва кредитларини жалб этиш ҳисобидан ичимлик суви-дан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган қўллаб аҳоли пунктлари талабга жавоб берадиган ичимлик суви таъминоти билан қамраб олинди.

Шу билан бирга, айрим аҳоли пунктларини, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Сурхондарь, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги аҳоли масканларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга оид қатор муаммолар ҳаюзгача ҳал этилмагандан қолмоқда.

Юртимизда оилалар ва маҳаллалар сони мунтазам қўлайиб, юзлаб янги турар

жой маззелари, аҳоли пунктлари барпо этилаётгани ва шаҳарларнинг кенгайиб бораётгани ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини тубдан яхшилаш борасида амалий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этмоқда. Бу чора-тадбирлар энергия ва ресурсларни тежайидиган замонавий технологиялар асосида сув чиқариш ва канализация-тозалаш иншоотлари, сув ўтказгичлар, насос станциялари, тақсимлаш узеллари, водопровод ва канализация тармоқларини модернизация қилишга қаратилган лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг "2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарори ана шу муҳим вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган ва у аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун қулай қулай ва муносиб иқтимоий-маиший шароитлар яратиш, 2017–2021 йилларда мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг барча ҳудудда сифатли ичимлик суви-дан фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

Мазкур қарор билан, хусусан, қуйидаги дастур ва лойиҳалар тасдиқланмоқда:

10,2 минг километр ичимлик суви қуёрулари ва тармоқлари, 1677 та сув чиқариш қудуғи, 1744 та сув минораси ва резервуари-ни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, 1440 дона насос ускунасини ўрнатиш назарда тутилган бўлиб, 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури-нинг йўл ва манзил параметрлари;

20 та ичимлик суви таъминоти объекти-ни қуриш ва реконструкция қилиш, 302 километрдан иборат сув ўтказиш ва водопровод тармоқларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган 2017–2021 йилларда минтақалараро аҳамиятга молик ичимлик суви таъминоти тизимлари ва ўта муҳим объектларни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур;

халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, республика-

рининг электрон маълумотлар базаси яратилишини таъминлашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида бажарилаётган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, тузилган шартномаларнинг шартлари буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида "Тоza ичимлик суви" жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) тузилсин, унда жамғариладиган маблағлар: Дастурни бажариш доирасидаги лойиҳа-қидирув ишларини;

Дастур доирасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш-ни молиялаштиришда фойдаланилади.

9. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олиннадиган солиқ бўйича тушумлар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган тегишли маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари; халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари; халқаро донорларнинг грантлари, хайр-эхсон қилувчиларнинг маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг маблағлари; Жамғарманинг вақтинча буш маблағларини жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа тушумлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги "Тоza ичимлик суви" жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, хомашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюм ва узеллар, технология ҳужжатлар ва жиҳозлар 2022 йилнинг 1 январига қадар боғжона тўловлари тўлашдан (боғжона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) озод қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларда сифатли ичимлик суви етказиб берилишини ташкил этиш доирасида махсус техника учун ёқилғи-мойлаш материалларига зарур лимитлар ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаъдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юксатсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 20 апрельЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан
боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини
тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)

икки ой мuddатда маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш хизмати бўйича абонентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларни ҳисобланган хатловдан ўтказсин, маршрутлар жадалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

фүқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилётган хизматлар учун абонентлар билан шартномалар тузиш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича самарали ишларни ташкил этсин;

тадбиркорлик субъектларининг чиқиндиларни йиғиш, ташкил, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўйиш ва реализация қилиш жараёндариди иштирокини кенгайтиришни назарда тутсин; таълим муассасаларида, фүқаролар йиғинларида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунбузарликлар профилактикасига оид семинарлар, анжуманлар, давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб бориш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрларини шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ўшбу қарор билан тасдиқланган тадбирлар, манзилли дастурлар, инвестиция лойиҳалари, истиқбол кўрсаткичларини амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. "Ўзавтосаноат" АК ва "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ "Тоza ҳудуд" ДУК эҳтиёжлари учун мазкур қарорнинг 6 "а"-илоvasида назарда тутилган махсус техника (чиқинди ташувчи ва ассенизация қон машиналар ва тракторлар) ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилишини ўрнатилган тартибда таъминласин.

8. "Qurilishmashilizing" иқтисослашган республика лизинг компанияси" АЖга мазкур қарорнинг 6 "а"-илоvasида назарда тутилган махсус техника, механизм ва ускуналарни иқтисослашган санитария тозалаш ташкилотларининг махсус техника ва ускуналар паркинги янгилаш учун лизинг асосида етказиб бериш юксатсин.

9. Тижорат банклари республика шаҳарларидаги иқтисослашган санитария тозалаш ташкилотларининг ўшбу қарорнинг 8 ва 10-илоvalарида назарда тутилган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини барпо этиш ва махсус техника ҳамда ускуналар билан қўйиш-чиқирлаш учун имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳисоб-китоблари асосида маиший чиқиндиларнинг ўзлуксиз олиб чиқилишини таъминлаш мақсадида ҳар йили махсус техника учун зарур дизель ёқилғисини лимитини ажратиб бориш.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

бир ой мuddатда туман ҳокимликлари ҳузуридаги обodonлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи участкаларига бириктирилган махсус автотранспорт воситалари ва ускуналарини, чиқинди йиғиш пунктлари ва контейнерларини ўрнатилган тартибда "Тоza ҳудуд" ДУКга бепул ўтказиб берилишини ташкил этсин;

бир ой мuddатда "Тоza ҳудуд" ДУК автотранспорт воситаларини сақлаш учун гаражлар, маиший чиқиндиларни вақтинчалик сақлаш хомбачалари ва янги полигонлар қурилиш учун ўрнатилган тартибда ер ажратиб бериш ишларини амалга оширсин;

туман ҳокимликлари ҳузуридаги обodonлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи участкаларни мол-мулки "Тоza ҳудуд" ДУКга тўлиқ ўтказиб берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларга маиший чиқин-

диларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича тўлиқ ва ўзлуксиз хизмат кўрсатилиши таъминлансин;

Ўзбекистон Республикаси Хўсусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда "Тоza ҳудуд" ДУКга ва унинг туман (шаҳар)лардаги филиалларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун жойлашган ҳудуддан бинолар ва хоналарни бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан тақдим этсин.

12. Белгилаб қўйилсинки:

"Тоza ҳудуд" ДУК ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, ҳодимларга бериладиган иқтимоий қафолатлар бўйича туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги обodonлаштириш бошқармаларининг қайта ташкил этиш даврида мавжуд бўлган маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи участкаларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

юридик шахслардан олиннадиган фойда солигини ҳисоблашда "Тоza ҳудуд" ДУКнинг солиққа тортилмаган фойдаси ўшбу қарорнинг 6 "а", 8, 10-илоvalарига мувофиқ манзилли дастурларда назарда тутилган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини, чиқиндиларни тўплаш хомбачаларини қуриш ва барпо этиш билан боғлиқ харажатларга қамайтирилади;

туман ҳокимликлари ҳузуридаги обodonлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи участкаларидан "Тоza ҳудуд" ДУКга бепул ўтказиб берилган мол-мулклар қўйилган қўйимат солиғи, юридик шахслардан олинма-диган фойда солиғи, шунингдек, обodonлаштириш ва иқтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланмайдми.

13. 2022 йилнинг 1 январига ҳа бўлган мuddатда:

шаҳарларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар, "Тоza ҳудуд" ДУК ва "Qurilishmashilizing" иқтисослашган республика лизинг компанияси" АЖ ўшбу қарорнинг 5, 6 ва 6 "а"-илоvalарига мувофиқ ўтказиб берилаётган ҳамда харид қилинаётган махсус автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатга олинаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл фондига йўғимлардан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва мазкур қарор билан тасдиқланган чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш технологик жараёнда ишлатиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб қирилган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар боғжона тўловларидан (боғжона расмийлаштируви йўғимидан ташқари) озод этилсин.

14. Қонунчиликда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун жорий этилган мол-мулк солиғи тўловидан озод этиш имтиёзи "Тоza ҳудуд" ДУК ва "Махсустрон" ДУКга нисбатан таътиб этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг кенг қатламлари орасида фүқароларнинг ҳуқуқий ва санитария-экологик саводхонлигини оширишга қаратилган тушунируш ишларини ташкил этсин. Бунда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масалалари бўйича телекўрсатувларда иқтимоий реклама маълумотларини фаол жойлаштириш кўзда тутилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.А.Арипов зиммасига юксатсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 21 апрельЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
21 АПРЕЛДАГИ "2017–2021 ЙИЛЛАРДА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ-2916-СОНЛИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли пунктларининг санитария жиҳатдан тозаланиши яхшилаш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 315-сонли қарорини амалга ошириш доирасида 2014–2016 йилларда шаҳарларимизда қўшимча равишда шу йўналишга ихтисослаштирилган 41 та ташкилот ҳамда туман обodonлаштириш бошқармаларида маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича 157 та ҳўжалик ҳисобиданги участка ташкил этилди.

2014–2016 йилларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман обodonлаштириш бошқармаларини замонавий махсус техникалар билан таъминлаш дастурлари амалга оширилди. Ана шу дастурлар доирасида 1427 та техника воситаси харид қилинган бўлса, уларнинг 990 таси маиший чиқиндиларни ташкил кетадиган автотранспортдир.

Республикамиз шаҳар ва туман марказларидаги турар жой маззеларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида 14 мингдан ортиқ чиқинди тўплаш пункти ташкил этилди ва 10 мингдан зиёд контейнер ўрнатилди.

Комплекс тадбирлар ва дастурларни амалга оширишга давлат бюджетидан 343,1 миллиард сўм йўналтирилди ва тижорат банкларининг 20 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари жалб этилди.

Истеъмолчиларга санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари кўрсатиш бўйича норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ҳукумат қарорлари асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташкил кетиш хизматлари кўрсатиш қондалари, санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва обodonлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташкил кетиш бўйича хизматлар кўрсатишдаги участка ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низоми ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар тасдиқланди.

Шу билан бирга, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташкил кетиш ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжудлигини қўйиш бўлиб қолмади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташкил кетиш ишларини ташкил этиш масаласи, аввало, бундай чиқиндиларни тўплаш, утилизация қилиш ҳамда қайта ишлаш бўйича амалий тизимни йўлга қўйиш талаб этади. Ҳозирги вақтда чиқиндилар тўпланадиган мавжуд полигонлар санитария қондалари, нормалари ва гичена меъёрларига тўлиқ жавоб берибди. Аксарият жойларда чиқиндилар тартибсиз равишда тўпланадиган пунктлар ҳамон сақланиб қолмоқда ва улар туташ ҳудудларнинг санитария-эпидемиология ҳолатини ёмонлаштириб, юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалишига шароит яратмоқда.

Бу борадаги энг муҳим вазифа ва муаммолар инобатда олинган ҳолда қабул қилинган Президент қарори мамлакатимиз туман ва шаҳарларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, 2017–2021 йилларда чиқинди билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш янада қучайтиришга қаратилган.

Жумладан, мазкур қарор билан қуйидаги дастур ва лойиҳалар тасдиқланмоқда:

2017–2021 йилларда чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тадбирлари;

2017 йилда мамлакатимиз шаҳарларидаги санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман обodonлаштириш бошқармаларида 237 та махсус техника харид қилиш, 94 та гараж қуриш, қаттиқ маиший чиқиндилар учун 168 та элак қурилмалари ўрнатиш режа қўйилмади;

Тошкент, Самарканд, Андижон ва Наманган шаҳарларида йирик лойиҳаларни амалга оширишнинг ўз ичига олган, 2017–2021 йилларда халқаро молия ташкилотларининг 161 миллион АКШ долларидан ортиқ маблағларини жалб этган ҳолда шаҳарларда чиқиндиларни тўплаш, ташкил кетиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхати;

114 минг погон метр тўсиқ, 152 та санитария узели, 158 та маиший хона, 163 та автомобилари ювиш жойи, 269 километр электр таъминоти тармоқлари, 166 та техник сув таъминоти қудуғи ҳамда 240 километр асфальтланган кириш йўллари қуриш орқали қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланадиган 168 та полигонни обodonлаштириш манзилли дастури;

2017–2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган технологияларни жорий этиш прогноз кўрсаткичлари,

жумладан, келгуси икки йилда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини қуриш кўзда тутилиб, мазкур лойиҳаларга 27 миллион АКШ долларидан зиёд маблағ йў

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

– **Сергели туманидаги “12-автобус саройи”да ҳайдовчи бўлиб ишлайман, икки фарзандим бор, йигирма йилдан бери ижарада яшаб юргандик, – дейди яккасаройлик Васлиддин Тоғаев. – Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига уй олиш масаласида мурожаат қилгандим. Мана, бугун оиламизга имтиёзли ипотека кредити асосида Сергели туманида қурилатган кўп қаватли уйлардан икки хонали квартира беришди. Оиламизнинг кўп йиллик муаммоси ҳал бўлди. Бу кунларни бир умр унутмаймиз.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати 20 апрель куни Яккасарой туманида ташкил этган сайёр қабулда кўплаб инсонларнинг муаммоларига ечим изланди. Очiq мулоқотда мамлакатимиз суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, вазирликлар, давлат қўми-талари, марказий идора ва ташкилотлар, банк-молия му-ассасалари раҳбарлари, пойтахтимиз ва Яккасарой тумани ҳокимликлари масъул ходимлари фуқаролар ва тад-биркорларнинг мурожаатларини тинглаб, уларни ҳал қилишга киришди.

Жорий йилнинг 19 апрель кунига қадар Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига Яккасарой туманидан 6 минг 654 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 2 минг 177 таси бевосита Яккасарой тумани ҳокимлигига тегишли бўлиб, уларнинг қарийб 86 фоизи кўриб чиқилган, қолганлари ижрода. Албатта, қатор мурожаатларга ечим топишган, бироқ ҳали тўла ҳал қилинмаган шикоятлар ҳам анчагина.

Сайёр қабулда туманда мурожаатлар билан ишлаш, одамлар қалбига йўл топиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларига ечим излаш борасидаги ишлар танқидий таҳлил рўйида кўриб чиқилди. Баъзи раҳбарлар аҳолининг энг муҳим ҳаётий эhtiёблари ва ҳақли талабларига бефарқ муносабатда бўлаётгани кескин танқид қилинди. Мурожаатларни тақсимлаш ва назорат қилишга юқори малакали кадрларни жалб этиш, мурожаатчиға кўтарилган масала-нинг ҳуқуқий ечимларини тўғри тушуштириш зарурлиги қайд этилди.

Сайёр қабулда турли соҳалар муҳокамалари учун алоҳи-да хоналар ажратилгани очiq мулоқотни самарали ташкил қилиш имконини берди. Эътиборлиси, қатор масалалар жойида ҳал қилинди. Қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари ўзларига тегишли ҳар бир масала ечимини ўзининг жавобгарлигини зиммасига олди.

Сайёра Қодирова 1978 йилда Тошкент шаҳрида туғил-ган, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида доимий рўйхатдан ўтган. Ўн беш йилдан бери Яккасарой туманида вақтинча прописка билан яшаб келмоқда. 2016 йил де-кабрь охиридада паспортини йўқотиб қўяди. Шу йил ян-варда Марҳамат тумани ИИБга паспорт олиш учун бориб, барча ҳужжатни тақдим қилади, белгиланган тўловларни тўлайди.

Бироқ у ерда аёлға унинг Ўзбекистон Республикаси фу-қаролиги бекор қилинишини айтишади. Сабаб – унинг ота-онаси кўп йиллар бурун Ўзбекистон Республикаси фуқа-ролигидан чиқрилган, уни васийликка олиш бўйича ҳуж-жатлар йўқ экан. С.Қодированинг айтишича, у бувисининг қўлида катта бўлган, 1991 йили ҳоласининг уйида доимий рўйхатга қўйилган, бу уй дафтарида қайд этилган. Шу асосда ҳозирга қадар айнан Марҳамат тумани ИИБда уч марта паспорт алмаштирган, бироқ бирор марта фуқаролиқни бе-кор қилиш масаласи кўтарилмаган.

Сайёр қабулда соҳа мутасаддилари Сайёра Қодироваға мазкур масала “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги

тўғрисида”ги қонун талаблари доирасида кўриб чиқилиб, унга адолатли ечим топилишини айтди. Мурожаат назорат-га олинди.

– 1990 йилдан бери Ракатбоши кўчаси 16-уйдаги уму-мий ховлида яшардик, шу пайтгача 5 сотих ер майдонидан фойдаланардик, 1996 йили бу ер бизга бириктирилган, бироқ эгалик ҳуқуқимиз йўқ эди, – дейди яккасаройлик 58 ёшли Дурдона Ғафорова. – Тўрт йилдан бери шу маса-лада туман ҳокимлиги билан судлашаётгандик. Шу йил-нинг 5 апрелида Яккасарой ва Сергели туманлари аҳолиси учун ўтказилган сайёр қабулда бу ҳақда мурожаат қилдик. Натижада тез кунда Яккасарой тумани ҳокимининг қарори билан бизга мазкур ер майдонига эгалик ҳуқуқи берилди. Бугун навбатдаги сайёр қабулга мурожаатимиз ҳал бўлгани учун раҳмат айтгани келдик.

Яккасаройлик Аҳлиддин Аҳмаджоновнинг уч фарзанди

АДОЛАТНИНГ ОВОЗИ
ЖАРАНГДОР, ҚЎЛИ КУЧЛИ

бор. Ўн икки йилдан бери унинг оиласи ҳам ўз уйи йўли-гидан қийналаётганди.

– Яқинда шу масалада Халқ қабулхонасига мурожаат қилгандим, тез кунда муаммоимни ҳал қилишди, мана, бу-гун оиламизга имтиёзли кредит асосида Сергели тумани-дан уч хонали уй ажратилди, – дейди А.Аҳмаджонов. – Насиб бўлса, Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ара-фасида янги уйга қўчиб кирамиз. Ўз уйимизга эга бўлгани-миз бу кўтлуг байрам арафасида бизга катта совға бўлди.

Очiq мулоқотда фуқаролардан солиқни сақлаш масала-сида ҳам қатор мурожаатлар бўлди. Ўзбекистон солиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Элмира Боситхонованинг айтишича, яккасаройлик Каромат Тошботилованинг буйрағи хаста, у Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохо-насига, унинг гуруҳ ногирони Абдуғани Носиров 59-оила-вий поликлиникининг кундузги стационарига даволаниш учун ётқизилди. Учинчи гуруҳ ногирони Мирҳалил Миррахимов-ни II гуруҳ ногиронлигига ўтказиш, бош миёнининг сурункали касаллиги – эпилепсия билан оғриётган Владимир Волков-ға ногиронлиқни расмийлаштириш, тиббиёт ходимаси На-сиба Қосимовани пойтахтимизга доимий прописка қилиш, Моҳира Ҳўжаеванинг қандли диабетдан азият чекаётган 71 ёшли отасига даволаниш учун ордер бериш каби масала-ларни вазирлик тез кунда кўриб чиқди.

– Олти сотих қуруқ ерим бор, ўша жойга уй қуриш учун кредит олиш масаласида мурожаат қилдим, – дейди юнус-ободлик II гуруҳ ногирони Зиёвуддин Зайнуудинов. – Банк мутасаддилари мен билан суҳбатлашиб, 80 миллион сўм атрофида кредит ажратадиган бўлди.

Сайёр қабул жараёнида муаммоси ҳал бўлган ҳар бир инсон билан суҳбатлашарканмиз, унинг юз-қўлида, сўзида бир жиҳат намоён бўлади: давлат органларига, келажакка, адолат ва ҳақиқатга ишонч. Аслида ҳам Президентимиз

Шавкат Мирзиёев ғояси билан асос солинган Халқ қабул-хоналари институтидан мақсад халқимизни ҳаётдан рози қилишдир. Бироқ муаммолар бартараф бўлишига аҳоли-нинг ўзи ҳам ёрдам бериши керак. Жумладан, жорий йил-нинг 1 апрелига қадар Яккасарой туманида табиий газдан 11,1 миллиард сўм, электр энергиясидан 7,5 миллиард сўм қардорлик мавжудлиги таассуфлидир.

Мазкур очiq мулоқот Яккасарой туманида ҳам ҳали-хануз жуда кўп муаммолар борлигини кўрсатди. Хўш, бу муам-молар нималардан иборат? Уларнинг ечимини қандай? Ҳар бир мурожаат ўз ечимини топиши, адолат ва ҳақиқат амал-да таъминланиши, ҳудуд аҳолисининг шикоятлари қамаи-ши учун нима ишларни қилиш керак?

– Президентимиз халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашда қўшимчини очиб берди, шу пайтгача кўриб бўлинмаган тўшмаганимиз оқибатда шу муаммолар йиғилиб қолган, – дейди Яккасарой тумани ҳокими Сарвар Маҳаматов. – Аҳоли асосан уй-жой масала-сида ёрдам сўрамоқда ва бу ҳақли талабдир. Яккасарой аҳолисининг бугунга қадар Виртуал қабулхонаға мурожаат-ларининг 16,4 фоизи ҳам айнан шу масалаға оид. 2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрида 32 минг хонадондан ибор-ат кўп қаватли 500 уй-жой қурилади. Бу уйлардан яккаса-ройликларга ҳам ажратилади. Йўлларнинг бугунги аҳоли талабға жавоб бермаслиги бор гап. Биргина жорий йилда туманимиздаги 10,9 километр марказий ва магистрал, 286,5 минг квадрат метр ички йўллар капитал ва жорий таъмир-ланади. Коммунал, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ечим бўйича лойиҳаларимиз тасдиқланган. Уларни тўла амалга ошириш бўйича барча кучни сафарбар қиламиз.

– Жорий йилнинг уч ойида туманимиз прокуратураси 463 мурожаатни ҳал қилди, – дейди Яккасарой тумани прокурори Ил-ҳом Айдулов. – Бироқ бугун ҳали тумани-мизда ўз ечимини топпаган муаммолар кўплигига, уларни бартараф қилиш учун тун-кун изланишимиз, ишлашимиз лозим-лигига яна бир бор амин бўлдик.

– Бугунги сайёр қабулдан олган ҳулосам – ҳар бир хонадонда бўлиб, одамларнинг қўлигига йўл топиб, улар-нинг муаммолари ечимида қийнанди ёрдам беришимиз, бу борада ўзимизга бўлган талабни янада қучайтиришимиз лозим, – дейди ЎЗА муҳбирига Яккасарой тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Фаррух Хайдаров. – Шу пайтгача туман аҳолисининг Виртуал қабулхонаға мурожаатларининг 5,3 фоизи фуқаролик, паспорт ва прописка масалаларига оиддир. Уларнинг қонуний ечимини борлари ҳал этилмоқда, қолганлари бўйича зарур тушуштиришлар берилмоқда.

– Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилинаётгани – мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилишда халқ ва давлат идоралари ўртасида ўзига хос кўприк бўлмоқда, – дейди Яккасарой тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ғиёс Дўстмуҳамедов. – Бизнинг соҳада аҳоли асосан солиқ қонун-чилигиди ўзгаришлар, солиқларни ҳисоблаш, бу борадаги имтиёзлар ҳақида мурожаатлар қилмоқда. Уларнинг ҳар бири қатъий назоратта олинган. Бугунги очiq мулоқотда тумани-миздаги мавжуд муаммоларни яна бир бор таҳлил қилдик, уларни ҳал қилиш учун бир ёқдан бош чиқариб ишлаймиз.

..Ҳаёт бор экан, инсон бор экан, муаммолар ҳам бўли-ши табиий. Шу маънода мурожаатлар билан ишлаш ҳеч қачон қон тартибидан тўшмайди. Албатта, одамзотни бут-кул рози қилиш имконсиз. Бироқ давлат идоралари ва халқимиз яқдил-ҳамфикр бўлиб, муаммоларга тик қараб, уларни бир четдан ҳал қилишга киришяётгани ҳаётимизда ижтимоий адолат таъминланишига хизмат қилмоқда. Адо-лат ҳаётимизда тўла қарор топса, шикоятлар аста-секин камаяди. Бу барчамиздан Президентимиз атрофида янада жипслашиб, уйғоқ виждон билан яшашни, катта ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб қилмоқда.

Умид ЁҚУБОВ

Реклама ва эълонлар

“Respublika Mulk Markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибига ўткази-ладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Шайхонтоҳур туман суд ижрочилири бўли-ми томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент ша-ҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2010 йил 19 майда-ги 1-1686/10-сонли ижро варақасига асосан, “Автомо-то-хаваскор Ганга сервис” ШК “Ганга” жарима майдон-часида сақланган, “ВАЗ 21-01” русумли д/р 30W 1059, 1976 йил и/ч, ранги ашил бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 081 565 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 26 май соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кун-лари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2017 йил 24 май соат 18:00. Авто-транспорт воситалари билан тегишли туман суд ижро-чилири бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган за-калат келишувига асосан мўл ҳолдаги баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мўл бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқishi қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўча-си, 1-й. тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

“Ўзгросаноатлоийха” МЧЖ жамоаси муҳандислик коммуникация бўлимининг гуруҳ мудри Зарифахон Ҳамиджоновға турмуш ўртоғи **Ҳикмат ШОДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-й, 2-қават, 225-хона.

Шаҳримизда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ўтказилган тасвирий ва амалий санъат фестивали турли кўргазмалар, маҳорат сабоқлари ва ижодий учрашувларга бой тарзда мазмунли ва мароқли уюштирилди.

Фестиваллар

ЁШ МУСАВВИРЛАРНИНГ ИЖОДИ
НАМОЙИШИ

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган кўргазма ҳам санъат ҳафталиги доирасида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили-да ўтказилаётган бундай тадбирлар неғизда ёшларнинг иқтидорларини янада шакллантириш, йигит-қизларнинг пухта билим олиши ва ўз кизиқишига хос касб-ҳунар эгаллаши,

ижодий салоҳиятларини намоён этишга туртки бўлаётгани-ни таъкидлади.

Кўргазмада Жасур Жумаев, Бобур Дадамухамедов, Дияра Ғулова, Рашид Ҳужаниёзов, Баҳор Утамуродова, Шаҳноза Эгамбердиева каби истеъдодли ёшларнинг тас-вирий ва амалий санъатга мансуб ижодий ишлари намоиш этилди.

эса шахсий кўргазмалари ҳам намоиш этилган.

Энг асосийси устоз ва шоғирд ҳам-корлигида яратилган асарларда ҳаёт-нинг гўзал жиҳатларини акс эттиришга эришилган ва бу йўналишда яхшилик одамийлигининг муҳим жиҳати эканли-гини асарларига сингдира билганлар. **Гулчехра ДУРДИЕВА**

ОНА ЗАМИН ТАСВИРЛАРИ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида тақдим этилаётган “Мовий парвоз ва Она замин инсон образи” кўргазмаси ҳам тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида ташкил этилди. Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Икромжонов ва унинг шоғирдлари асарлари намоиш этилди.

Акмал Икромжонов Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, профес-сор, халқимизга танилган рассом. Унинг асарларида юксак маҳорат, ноёб бадий мактаб эстетикаси, дунё санъати ва мил-лий анъаналарнинг энг гўзал жиҳатлари уйғунлашди. Мусаввир ижоди ўзига хос услубга эга бўлиб, миллий рангтасвир мактабига муносиб ҳисса қўшган.

Кўргазмада рассомнинг шоғирдлари А.Сағатов, Р.Аҳмедов, З.Тураев, Ф.Мав-лонов, И.Отабоев, У.Ражабов, Х.Ибра-гимов, Э.Аралов, Э.Бозоров, Ф.Аҳма-далиев, Д.Розиқов ва Ж.Чоршанбиев-ларнинг ижодий асарлари намоиш қилинди. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда жуда кўплаб танловлар ва фес-тиваллар иштирокчиси. Айримларининг

Тошкент оқшом

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 435

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10118 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки “Тошкент почтамати”га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида теричди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ТИНЧЛИГИМИЗ АБАДИЙ
БЎЛСИН

Тўқсон олти ёш. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Александра Вертелецкая билан суҳбатлашиб, оғир синовларга дош берган, урушнинг даҳшатли азобларини, мардлик ва жасоратни мужассам этган бу аёл умрини бор бўй-баста билан ҳис этдик. Ўша қора кунларни эслаб, сукутга кетган онахон кўзига ёш олиб дейди: “Бу кунларнинг қадрига етайлик, тинчликни кўз қорачиғидай асрайлик, болаларим!”

Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги “Ик-кинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбат-лантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хоти-ра ва қадрлаш кунига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамо-ат фонди вакиллари қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари ва фронт ор-тида меҳнат қилган фахрийлардан ҳол-аҳвол сўрамоқда.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида яшовчи Александра Вертелецкая хонадонига бўлган ҳарбийлар, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жа-моатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жа-моат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар онахонни яқинлашиб келаётган Хотира ва қа-дрлаш куни билан табриклади. Ўзбекистон Рес-публикаси Қурултой Кучлари академияси бош-лиғи Х.Дадабоев ва бошқалар онахонни Президентимиз номидан байрам билан таб-риклади, пул мукофоти, совға-саломлар топ-ширди.

– Болалигимдан ўқитувчиликка қизиқардим, жажжи болажонларға сабоқ бериш жону ди-лим эди. 1940 йил педагогика институтини та-момладим. 1941 йилда уруш бошланди. Тур-муш ўртоғим билан иккимизни навқирон, би-лим олишга ташна вақтимизда урушға олиб кетишди. Ҳарбий ҳаво кучларида учувчи, ке-йинроқ диспетчер бўлиб хизмат қилдим. 1947 йилда Ўзбекистонга келганмиз. Бир қиз ва бир ўғилни тарбиялаб, воёга етказдик. Толеимдан миннатдорман, бағрикенг, соддадил, самимий одамлар орасида, саховатли, жаннатмонанд юртда яшадим. Шу замин менинг бошимни силади, бахт берди, ёруғ истикбол ҳаёда этди. Бугун Президентимиз совғасини олиб, улар-нинг эътибор ва ғамхўрлигидан қувондим, ум-римга умр қўшилди.

Шу туманда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳамид Воҳидов шифохонада да-воланатган экан. Ҳарбийлар, давлат ва жа-моат ташкилотлари вакиллари, маҳалла ёшла-ри бу ерга келганда, отахоннинг боши осмон-га етди. Уруш туфайли завод бўлган ёшлик дамлари, кечирган машаққатлари ҳақида ҳикоя қилиб, бугун тинчлик-осойишталик ҳўкм сура-ётган жаннатмонанд юртда умргузаронлик қилаётганига шўкрона билдирди.

Ҳамид ота 92 ёшда. Болалик йиллари Фар-ғона вилоятида ўтган. 1944 йил октябрь ойида урушга кетган отахон бир оёғидан қаттиқ жароҳатланган. Урушдан кейин ҳозирги Тошкент давлат юридик университетига кириб, таҳсил олган. Университетни муваффақиятли тамом-лаб, талабаларга дарс бера бошлаган, илмий ишларни ҳимоя қилиб, фан доктори даража-сига кўтарилган. Кейинчалик Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг фалсафа факультетида дарс берган. 10 йилдан зиёдроқ Ўзбекистон тарихи давлат му-зейи директори лавозимида фаолият юритган.

– Номинг ўчгур урушни биз кўрдик, ёш ав-лод сира кўрмасин, – дейди отахон. – Бутун бошли кишлоқларнинг ёниб, вайронга айла-ниши, портлаш овози, ўқларнинг визиллаши ханузгача қулоғимдан кетмайди. Бугунгидай тинч-осуда, фаровон кунларимизга, тўқинлик, мусаффо осмонимизга асло кўз тегмасин.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛГАДИ

Тошкент шаҳрида 25 ап-рель кунини ҳаво ўзгариб тура-ди, ёшгаришчи бўлмади. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезлида шамаол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 13-15, кундузи

— 27-29 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо-нитторинг хизмати маълумотиға кўра, 25 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зар-рарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имко-ният яратди, шўфосланши даражаси наст бўлади.